ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШГА ҚАРШИ ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ НОРОЗИЛИК КЎРИНИШЛАРИ

М.АБДУЛЛАЕВ, А.УСМОНОВ

В статье освещается протестное движение дехкан против политики коллективизации сельского хозяйства, выявляются формы и методы данного протеста. Приводятся документально обоснованные сведения о продаже за бесценок и массовом убое домашнего скота, в том числе рабочего; о саботаже сельхозработ, что привело к дефициту продовольствия и последующему голоду.

The article deals with the problem of protesting movement of peasants and workers against the collectivization period of Soviet regime. The author provides the facts of selling the goods of peasants for nothing and mass killing their cattle. The sabotage in agriculture lead to deficit of goods and late to famine.

Совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш ва «қулоқ» хўжаликларини тугатиш сиёсатини зўравонлик ва ғайриқонунийлик билан олиб бориши деҳқонлар оммасининг кескин норозилигини келтириб чиқарди. Коллективлаштиришга қарши деҳқонлар оммасининг норозилик чиқишлари ҳатто қўзғолон, исён даражасигача кўтарилди. Колхоз қурилишига қарши норозилик чиқишлари совет тузумига қарши сиёсий чиқишларга ҳам айланиб кетди. Бу жараён ўз даврида ОГПУ (Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси)нинг махфий ҳужжатларида «қишлоқ аксилинқилоби» деб таърифланган. ОГПУ махфий ҳисоботларида Ўрта Осиё республикаларидаги коллективлаштиришга қарши оммавий чиқишларнинг ойма-ой ўсиш даражаси, унинг хусусияти, чиқишларнинг ғоявий шиори, қатнашчиларининг сони, қўйган талаблари ҳақида аниқ маълумотлар жамланган.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги мухтор вакиллиги тақдим этган тезкор маълумотномада 1930 йил 15 февралдан 20 февралгача бўлган даврда Фарғона округида аҳвол ғоят кескинлашгани, сиёсий танглик ўсиб бориб қуролли қўзғолон даражасига етгани, Бағдод районида 1-15 февралда 3 та оммавий норозилик чиқиши бўлиб, уларда 1850 киши иштирок этган бўлса, 15-20 февраль кунларида 4 та чиқиш бўлиб, уларда 2000 киши қатнашгани, Риштон районида 15-20 февралда 2 та чиқиш бўлиб уларда 3000 киши иштирок этгани, Бувайда районидаги 2 та чиқишда 1400 киши қатнашгани, Олтиариқ районидаги 2 та чиқишда 600 киши қатнашгани қайд қилинган [1.125].

Деҳқонларнинг оммавий чиқишлари фақат Фарғона округи районларида эмас, республиканинг барча районларида юз берган. 1930 йилнинг февраль-март ойлари давомида ЎзССР бўйича жами 78 та оммавий норозилик чиқишлари бўлиб, уларда 33873 киши қатнашган [2.240-241].

Табиийки, деҳқонларнинг колхоз қурилишига қарши оммавий норозилик чиқишлари, ғалаён ва исёнларига қарши ГПУ ва бошқа жазо органлари шафқатсизлик билан кураш олиб борганлар, уларга нисбатан турли жазо чоралари, қатағон қилишнинг турли шакллари қўлланган.

Коллективлаштириш жараёнида деҳқонлар оммавий кўринишдаги сиёсий норозилик чиқишлари билан бир қаторда якка-якка кўринишда иқтисодий норозилик ҳаракатларини ҳам олиб бордилар. Норозилик ҳаракатининг бу кўриниши ҳам турли шаклларда намоён бўлди. Булар, асосан, қулоқлар ёки ўртаҳол, ҳатто камбағал деҳқон хўжаликлари томонидан ерларига экин экмасдан ташлаб қўйиш, чорва ҳайвонларини, иш ҳайвонларини арзон-гаровга сотиш ёки сўйиб юбориш, мевали дарахтларини кесиб ташлаш, боғларни йўқотиш ёки қаровсиз ташлаб қўйиш, ҳайвонларини камбағал-батракларга текинга бериш, ҳукумат томонидан ортиқча деб ҳисобланган ерларини ерсиз деҳқонларга бериб юбориш кўринишларида олиб борилди. Бундай кўринишдаги норозилик ҳаракатлари ўз даврида партия ва совет органлари томонидан «ўзини ўзи қулоқ қилиш» (самораскулачивание) деб талқин қилинган. Ўзини ўзи қулоқ қилишнинг яна бир кенг тарқалган кўриниши – қулоқ сифатида рўйхатга олинган ёки қулоқ бўлиш хавфи бўлган ўртаҳол деҳқонларнинг бутун мол-мулки, ер-суви ва уй-жойини ташлаб, боши оққан томонга қочиб кетишлари эди. Ўзини ўзи қулоқ қилишнинг бундай кўриниши ҳам ёппасига коллективлаштириш даврида кенг оммалашди. Умуман, колхоз қурилишига қарши норозиликнинг бундай иқтисодий усуллари якка-якка ҳолда содир этилишига қарамай, барча округ ва районларда кенг тус олгани учун ҳам кўлами бутун республика учун ғоят сезиларли бўлди.

Деҳқонларнинг колхозга киришга мажбурланиши, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ва қулоқ сифатида рўйхатга олиниши қишлоқнинг кенг қатлами орасида хавотир уйғотди, қишлоқ аҳолисини

саросимага солди. Қишлоқларда совет давлатига нисбатан ишончсизлик юзага келди. Аксарият ўртаҳол деҳқонлар, ҳатто камбағал хўжаликлар ҳам қулоқлар рўйхатига тушишдан қўрқиб, ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятларини тўхтатиб қўйганлар. Чунки ўз меҳнати эвазига мўл ҳосил етиштириш ҳам деҳқонларга қулоқ бўлиш хавфини солар эди. Бу ҳол ялпи маҳсулот етиштиришда ҳам ўз таъсирини кўрсатди. 1930 йилда республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотларига белгиланган режалар, асосан, пахта етиштириш режаси бажарилмади [3].

Деҳқонлар томонидан чорва ҳайвонларини сотиб юбориш ёки сўйиб юбориш ҳолларининг авж олишига бир қанча сабаблар бўлган. Биринчидан, коллективлаштириш бошланғичида қишлоқ аҳолисига колхоз қурилиши, унинг моҳияти ҳақида етарлича тушунтириш ишлари олиб борилмагани боис, битта оти ёки иккита хўкизи бор хўжаликлар қулоқ қилинади, деган гаплар кенг тарқалган. Бундан икки ёки учта чорва ҳайвони бўлган хўжаликлар вахимага тушиб, зудлик билан ўз ҳайвонларини йўқотишга тушганлар. Иккинчи томондан, ёппасига коллективлаштириш районларида колхозга аъзо бўлиб кираётган хўжаликларнинг чорва ҳайвонлари жуда паст нархлар билан баҳоланган. Чорва ҳайвонларининг паст нархларда баҳоланиши ҳам ҳайвонларни бозорга олиб чиқиб сотишга сабаб бўлган. Ўз-ўзидан равшанки, бозорларга кўп миқдорда ҳайвон олиб кирилиши нархнинг тушиб кетишига олиб келган. Ундан ташқари, турли миш-мишлар тарқалган бир пайтда чорва ҳайвонига муҳтож бўлган хўжаликлар ҳам қулоқ бўлишдан чўчиб, чорва ҳайвони сотиб олишдан ўзини тийган. Бозорда чорва ҳайвонлари кўплиги боис, сотилмай қолган ҳайвонлар эгалари томонидан сўйиб юборила бошланган. 1930 йилнинг февраль-март ойларида Ўзбекистоннинг барча районларидаги бозорлар сотиш учун олиб келинган ҳайвонларга тўлиб кетган. Ҳайвонлар нархи 30-50 фоиз тушиб кетган. Масалан, 1930 йилнинг 15-20 февраль кунларида 200 сўм турадиган отлар 100-120 сўмга сотилган. Қишлоқларда ваҳима кучайгани боис, кўп қишлоқларда ҳайвонлар кредитга ҳам сотила бошлаган [2.175-176].

Бекобод район Сретенск посёлкаси бозори 1930 йилнинг февраль ойида сотиш учун олиб келинган от, ҳўкиз, сигир ва қўй-эчкилар билан тўлиб кетган. Бозорга Хос, Тентак, Парчаюз ва бошқа қишлоқлардан деҳқонлар ҳайвонларини олиб келганлар. Сотиладиган ҳайвон кўплигидан уларнинг баҳоси жуда пастлаб кетган. Хос қишлоғидан келган Мулла Қўшмат Нурматов 150 сўм турадиган буқасини 30 сўмга, сигирини 25 сўмга сотган. 80 сўм турадиган думбали қўйлар 25 сўмга, 25 сўм турадиган бўрдоқи қўйлар эса 8-10 сўмдан сотилган [2.346]. Бундай ҳолат республиканинг деярли барча районларида содир бўлди.

Тошкент округининг Янгийўл, Мирзачўл, Тошкент, Бекобод районларида деҳқонларнинг оммавий хавотири кучайиб кетган. Ўзига тўқ хўжаликлар томонидан чорва ҳайвонлари ва қимматбаҳо буюмларни камбағал қариндошлар уйига беркитиш ҳаракатлари авж олган. Ўрта Чирчиқ, Пискент, Мирзачўл, Бекобод районларида чорва ҳайвонларини тоғларга олиб кетиш кузатилган, бозорларда ҳайвон нархи кескин тушиб кетган. Тўйтепа бозорида 1930 йил 28 февралда 200-220 сўмлик отлар 80-100 сўмдан сотилган, бир ой аввал 150-160 сўм бўлган буқалар 50-55 сўмга сотилган, сигирлар нархи эса 25-30 сўмгача тушиб кетган. Қўйлар эса илгари 30-50 сўм бўлгани ҳолда, 12-15 сўмдан сотилган. Сирдарё бозорида ҳатто қўйлар 5-7 сўмдан сотилган. Сотувчилар: «Колхозга текинга топширгандан кўра, арзон-гаров сотган яхши» деб ўзларини овутганлар [2.336].

Пискент районида ҳам коллективлаштириш даврида хўжаликлар томонидан ўз чорва ҳайвонларини қасддан йўқ қилиши кузатилди. Бу районда ҳайвонларини сотиб юборганликда айбланган тўртта бой қамоққа олинган. Улар: Ирисбоев Абдуқодир Оққўрғон бозорида 172 та қўйини сотишга ҳаракат қилгани учун; Саттор Орқабоев ва Урайим Тожибоевлар бири 32 та, иккинчиси 29 та қўйини яшириб қўйганлиги учун; Кўкчалмин қишлоғидан яна бир бой (исми шарифи аниқланмаган) комиссия томонидан рўйхатга олинган ҳайвонларидан 8 тасини сотиб юборгани учун қамоққа олинган.

Республиканинг айрим районларида мевали ва манзарали дарахтларни кесиб юбориш ҳоллари юз берган. Бекобод райони, Сретенск посёлкаси Оқ қишлоғида «ҳақсиз» Ортиқ Ниёзсўфиев 50 туп тут дарахтини кесиб ташлаган [4].

Бой-бадавлат хўжаликларнинг айримлари камбағал-батрак қатламлари орасида: «Совет давлати талончиликни бойлардан бошлади, бойлар тугатилганидан кейин ўртаҳол ва камбағал деҳқонларни талашга ўтади, охир-оқибат барча хонавайрон бўлади, тайёргарлигингни кўриб қўй», деб ташвиқот олиб борганлар [2.335-337].

Айрим районларда бой-қулоқ хўжаликлари тугатилгунига қадар ўз мол-мулкларини йўқ қилишга улгурганлар. Масалан, Юқори Чирчиқ райони Қоратепа овулида бой Олтибой Фармонов ва Қўшоқ Тўқаевлар хонадонига мол-мулкни рўйхатга олгани келган масъул ходимлар фақат бўм-бўш уйга дуч келганлар. Шу овулда истиқомат қилувчи Ўташ Бачаев қисқа фурсат ичида 96 та қўйи, 8 та бия, 2 та от, 2 буқа ва 1 сигирини сотиб юборишга улгурган. Бердигулай овулида эса бой Алимқул

Хўжақулов 50 туп дарахтни ўтин учун кесиб юборган, Суранкент овули бойлари Рустам Атамқулов ва Қутибой Мавлоновлар ўзларининг қўй подаларини тоғли ҳудудларга олиб кетганлар [2.358].

Ҳукумат томонидан чорва ҳайвонларини қасддан сотиб юбориш ва сўйиб юборишни таъқиқловчи қарор эълон қилинганига қарамай, бу жараён тўхтаб қолмади. Аксинча, чорва ҳайвонларини яширинча сўйиб юбориш авж олди. Бозорлардаги ҳолатни маълум маънода тартибга солиш мумкин эди, аммо ўз уйидаги ҳайвонларини яширинча сўйиб йўқотишни назорат қилиш ва олдини олиш умуман имконсиз эди.

Чорва ҳайвонларини колхозга беришни истамаганлар уни арзон-гаровга сотар ёки яширинча сўйиб ташлардилар. Бу ҳаракатни улар икки мақсадда қилардилар. Биринчидан, коллектив хўжалик моҳиятидан тамоман бехабар деҳқонлар чорва ҳайвонларини бекордан бекорга колхозга бериб қўйгандан сотиб ёки сўйиб юборишни афзал кўрган. Иккинчидан, хўжаликда иккита сигир, ҳўкиз ёки отнинг мавжудлиги хўжалик бошлиғининг қулоқлар рўйхатига тушиш хавфини туғдирган. Шу боисдан аксарият деҳқонлар қулоқ бўлишдан қўрқиб, ўз чорва ҳайвонлари ва мол-мулкини йўқ қилишга тушган. Буларнинг барчаси коллективлаштириш даврида қишлоқ хўжалигига оғир талофат етказди. Чорва ҳайвонлари республика бўйича кескин қисқариб кетди. 1928-1933 йиларда бутун мамлакатда қорамоллар сони 60,1 миллиондан 33,5 миллионга, қўйэчкилар 97,3 миллиондан 32,9 миллионга, йилқилар 32,1 миллиондан 14,9 миллион бошга камайиб кетди [5.269]. Ўзбекистонда эса 1928-1932 йилларда салкам 715 минг қорамол, 160 минг от, 49 минг туя, 123 минг эшак ва хачир, бир неча юз минг қўй йўқотилди [6.187].

Республиканинг чорвадор районларидаги коллективлаштириш ва қулоқ қилиш, айниқса, зотдор қоракўл қўйларининг кескин камайиб кетишида намоён бўлди. 1930 йилда ўртаҳол хўжаликлар ихтиёрида 28259 бош зотдор қоракўл қўйи ва 39361 бош бўрдоқи қўй бўлган эди, 1931 йилга келиб бу хўжаликларда қоракўл қўйларидан 13493 та, бўрдоқи қўйлардан эса 10224 бош қолган. Қулоқ хўжаликларида 1930 йилда 19375 бош қоракўл ва 27644 бош бўрдоқи қўй бўлган бўлса, 1931 йилга келиб қоракўл қўйлари 806 бош, бўрдоқи қўйлар 2486 бош қолган, холос. Камбағал хўжаликларда 1930-1931 йилларда зотдор қоракўл қўйлари 8957 бошдан 10086 бошга кўпайган, бўрдоқи қўйлар эса бу хўжаликларда ҳам 7922 бошдан 5822 бошга қисқариб кетган [7].

1931 йилда кўпгина қулоқ хўжаликлари катта миқдордаги қишлоқ хўжалик солиқларини тўлаш ва турли мажбуриятларни бажаришга қурби етмай, хўжаликларини ташлаб қочиб кета бошлаганлар. 1931 йил февраль ойида ЎзССР Молия халқ комиссарлигининг махсус бригадаси Қашқадарё, Сурхондарё округларида текширув ўтказганида, бу округлардаги районларда рўйхатга олинган қулоқ хўжаликларининг кўпчилиги Тожикистонга қочиб ўтиб кетганлиги аниқланган. Бу округларда катта миқдорда тўланмаган солиқ суммаси вужудга келган. Шу боис молия комиссарлиги қочқинликда юрган қулоқларни тутиб келтириш ва маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан ЎзССР Халқ Комиссарлари Советига махсус мурожаатнома юборган [8].

Коллективлаштириш жараёнида кўплаб деҳқон хўжаликларининг ўзини ўзи тугатишлари оқибатида, яъни чорва ҳайвонларини қасддан йўқ қилиши, асбоб-ускуналарини ҳам сотиб юбориши натижасида қишлоқ хўжалиги учун асбоб-ускуналар ва ишчи ҳайвонлар тақчиллиги юзага келган. Ишчи ҳайвонлари етишмаслиги боис кўпгина ерлар хайдалмай қолиб кетган, белгиланган миқдордаги ерларга экин экилмаган. Бундан ташқари, кўплаб деҳқонларнинг ўз ерларини ташлаб қочиб кетишлари оқибатида уларнинг ерлари экин экилмасдан қаровсиз қолиб кетган. Қишлоқлардан аҳолининг оммавий равишда қочиб кетиши оқибатида қишлоқда ишчи кучи етишмаслиги юзага келди. Айниқса, янги ташкил қилинган колхозларда ишчи кучи муаммоси ҳал қилинмайдиган муаммога айланди.

Оқибат шу бўлдики, 1930 йилданоқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кескин қисқариб кетди. Белгиланган режалар умуман бажарилмади, маҳсулдорлик ҳам, ҳосилдорлик ҳам кескин пасая бошлади. Бунинг натижаси ўлароқ, 1933 йилда республикада ҳам очарчилик юзага келди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришдаги пасайиш ва йўқотишлар кейинги йилларда ҳам давом этди.

Коллективлаштириш бошланишида чорва ҳайвонлари ғоят қадрсизланган бўлса, 1933-1934 йилларга келиб улар камёб нарсага айланди. Чорва ҳайвонлари – буқа, сигир, от, қўй ва эчки танқислиги бошланди. Бир томондан ишчи ҳайвонлари етишмаса, иккинчи томондан чорва маҳсулотлари танқислиги кузатилди. Ишчи ҳайвонлари, ишчи кучи йўқлиги боис коллективлаштиришдан илгариги ҳажм даражасида экин экиш ва етиштириш мумкин бўлмай қолди. Энг ёмони, мажбурий коллективлаштириш меҳнат унумдорлигига, меҳнатдан манфаатдорлик ва самарадорлик хусусиятларига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Колхозчилар ўз ерига бўлганчалик меҳр ва ғайрат билан меҳнат қилмас эдилар. Улар характерида лоқайдлик, бефарқлик,

тушкунлик ҳукмрон бўлиб қолди. Ўзбек деҳқонларининг ижтимоий психологияси кескин салбий томонга ўзгарди. Деҳқонлар колхоз ерида фақат мажбурият юзасидангина ишлар, колхоз иши учун жон койитмас эдилар. Буни хўжалик якунларидан ҳам билиш мумкин. Бутун республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ялпи ҳосилдорлиги йилдан-йилга пасайиб борди. Бу ҳолат ҳатто қишлоқларга трактор ва бошқа мураккаб техникалар кириб келган йилларда ҳам давом этди. Ялпи ҳосилдорлик фақат янги ерларни ўзлаштириш, экин майдонларини кенгайтириш ҳисобигагина кўпайиб борди, холос. Лекин етиштирилаётган маҳсулот эҳтиёжлар учун етмас эди. Маҳсулот таннархи жуда юқори суммаларни ташкил этарди.

Умуман, совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш ва қулоқларни тугатиш сиёсати иқтисодиётга жуда оғир талофатлар етказди. Унинг салбий оқибатлари яқин даврларгача қишлоқ хўжалигига ўз таъсирини кўрсатиб келди.

Адабиётлар:

1. Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида).- Т.: Шарқ, 2005.
2. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. В 3-х томах. /Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов; Под ред. Д.А.Алимовой. Том 1. – Т.: Шарк, 2006.
3. ЎзР МДА, 95-фонд, 1-рўйхат, 2219-иш, 317-варақ.
4. ЎзР МДА, 95-фонд, 1-рўйхат, 2632-иш, 117-варақ.
5. Страницы истории советского общества: люди, проблемы, факты. – М.: Политиздат, 1989.
6. Аминова Р.Х. Коллективлаштириш – қашшоқлаштириш демак. // Шарқ юлдузи.- 1992.- №12.
7. ЎзР МДА, 837-фонд, 26-рўйхат, 340-иш, 553-варақ.
8. ЎзР МДА, 837-фонд, 9-рўйхат, 420-иш, 267-варақ.

Андижон давлат университети,
2012 йил 28 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)